



**TOSHKENT DAVLAT
AGRAR UNIVERSITETI**

№1. [1]. 2025

AGROBIZNES, FAN VA TEKNOLOGIYALAR

**АГРОБИЗНЕС, НАУКА
И ТЕХНОЛОГИИ**

**AGRIBUSINESS,
SCIENCE AND
TECHNOLOGY**



**ILMIY - AMALIY
ELEKTRON JURNAL**

№ 083688



ISSN: 3060-5245

TOSHKENT - 2025



2025-yil, №1/[1]-son



**“AGROBIZNES, FAN VA
TEKNOLOGIYALAR” ILMIY-
AMALIY ELEKTRON JURNALI**

BOSH MUHARRIR

Oblomuradov Narzullo Naimovich – iqtisodiyot fanlari doktori (DSc)

Bosh muharrir o‘rinbosarlari:

Islamov Soxib Yaxshibekovich – qishloq xo‘jaligi fanlari doktori (DSc), prof.

Sultonov Kamoliddin Sadriddinovich – qishloq xo‘jaligi fanlari doktori (DSc), prof.

Farmonov To‘lqin Xayitmurodovich – iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), prof.

Mas‘ul muharrir:

Beglayev Uchqun Xurramovich – iqtisodiyot fanlari falsafa doktori, dotsent

Tahrir hay‘atining xalqaro a‘zolari:

Kusainov Xalel Xaymullayevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Qozog‘iston davlat texnologiya universiteti)

Vilija Aleknevičienė - iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Universitet Vitovta Velikogo)

Gilbert Ludwig – professor, (Jamk University of Applied Sciences)

Bobojonov Ixtiyor Baxtiyorovich - iqtisodiyot fanlari doktori, (Germaniyaning Leybnits nomidagi Markaziy Osiyoda qishloq xo‘jaligini rivojlantirish instituti (IAMO))

Xaitboyeva Nargiza Alikulovna - iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent (Tojikiston davlat huquq, biznes va siyosat universiteti)

Tahrir hay‘ati:

08.00.00-Iqtisodiyot fanlari:

Gulyamov Saidasror Saidaxmedovich – i.f.d. (DSc), prof.

Saidov Muxammad-Ali Xakimovich – i.f.d. (DSc), prof.

Rustamova Iroda Baxramjanovna – i.f.d. (DSc), prof.

Ergashev Raxmatulla Xidirovich – i.f.d. (DSc), prof.

Ochilov Ilhom Sayitqulovich – i.f.d. (DSc), dots.

Abduvasikov Abduaziz Abdulazizovich – i.f.n, dots.

Mamadiyarov Dilshad Uralovich – i.f.n, dots.

Achilov Mashrab Ulug‘bekovich – i.f.f.d. (PhD), dots.

Galimova Feryuza Rafikovna – i.f.n, dots.

Odilova Dilnozaxon Barnayevna – i.f.f.d. (PhD), dots.

Fayziyev Oybek Raximovich - i.f.f.d. (PhD), dots.

Primov Abdulla Egamkulovich - i.f.f.d. (PhD).

Yangiboyev Dilshod G‘ulomovich – i.f.f.d. (PhD).

Tojiboyeva Nafisa Raxmiddin qizi – i.f.f.d. (PhD).

Mardiye Nurali - i.f.n, dots.

Kuvnakov Xaydar Kasimovich - i.f.n, dots.

Siddikov Zaxid Tulkunovich – i.f.n, v.b.prof.

Saidova Dildora Nurmatovna – i.f.n, dots.

Roziqov Jahongir Mustaqim o‘g‘li – i.f.f.d. (PhD), dots.

Boltayev Nurali Shiramatovich – i.f.f.d. (PhD).

Dehkanova Nilufar Sagdullayevna – i.f.f.d. (PhD), dots.

Narinbayeva Gulnora Karimovna – dotsent.

06.00.00-Qishloq xo‘jaligi fanlari:

Anarboyev Azimjon Raimqulovich – q.x.f.d. (DSc), prof.

Shokirov Alisher Djuraboyevich - q.x.f.d. (DSc), prof.

Mardanov Husniddin Xolbozorovich – q.x.f.d. (DSc).

Jo‘rayev Sirojiddin Turdiqulovich – b.f.d. (DSc), prof.

Gulmurodov Risqiboy Abdiyevich – q.x.f.d. (DSc), prof.

Xalmirzayev Dilmurad Kamilovich - q.x.f.d. (DSc), dots.

Xolliyev Asamiddin Turayevich - q.x.f.d. (DSc), dots.

Eshankulov Bobomurod Inayatovich - q.x.f.d. (DSc).

Ibrohimov Bahodir Akmal o‘g‘li - q.x.f.d. (DSc).

Abdullayev Anvar Kodirullayevich – b.f.n., k.i.x.

Atabayev Ma‘ruf Maxmudovich – q.x.f.n., prof.

Muxammadov Yo‘ldoshbek Akmal o‘g‘li – q.x.f.f.d. (PhD).

Raxmonov Ubaydillo Normamadovich – q.x.f.f.d. (PhD), dots.

Safarov Asqar Asadullayevich – q.x.f.f.d. (PhD), dots.

Mustafakulov Davron Mamatqulovich – q.x.f.f.d. (PhD), dots.

Akramov Umidilla Ikramdjanovich – q.x.f.f.d. (PhD), dots.

Kasimov Botir Sadriddinovich – q.x.f.f.d. (PhD).

MUASSIS

Toshkent davlat agrar universiteti

ALOQA UCHUN MA‘LUMOTLAR

Manzil: Toshkent viloyati, Qibray tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy.

Jurnalning telegram manzili:

t.me/agrobiznes_elektronjurnal

E-mail: licht-1989@mail.ru

Jurnalning rasmiy sayti:

<https://www.agrobiznesjournal.uz>

Tel: +(998) 93 439 30 00

Jurnalning ilmiyligi:

Agrobiznes, fan va texnologiyalar
ilmiy-amaliy elektron jurnali

O‘zbekiston Respublikasi
Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar
vazirligi huzuridagi

Oliy attestatsiya komissiyasi
rayosatining 2024-yil
30-noyabrda 364/5-sonli qarori
bilan milliy ilmiy nashrlar
ro‘yxatiga kiritilgan.

Elektron nashr 653 sahifa. E‘lon qilishga
2025-yil 28-fevralda ruxsat etildi.

Xamitova Mavluda Sindarovna

О‘zbekistonda aholining keksayish jarayoni va uning ijtimoiy-iqtisodiy oqibatlarini statistik tahlili.....409

Курпаяниди, Константин Иванович

Институциональная среда электронной коммерции в Узбекистане: вызовы и перспективы развития.....415

Sa’dullayeva Sayyora Nasillo qizi, Ergashev Mirjon Yorkin ugli

The concept of business ecosystems.....426

Тургунова Гулчехра Тулкиновна

Қишлоқ хўжалигида техник-технологик салоҳиятни ошириш имкониятлари..432

Achilov Mashrab Ulugbekovich

Study of theoretical and practical aspects of production modernization in horticulture in land management.....438

Rustamova Iroda Baxramjanovna, Madiyev Shaxzod Shodmon o‘g‘li

Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishiga ta’sir etuvchi omillarning ekonometrik tahlili.....445

Рахматулла Эргашев

Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперациясининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.....455

Норқобилов Жаҳонгир

Минтақада автотранспорт воситаларидан фойдаланишни баҳолаш турлари...464

Даврон Кесимов

Минтақада соғлиқни сақлаш хизматлар бозорининг хусусиятлари.....470

Nasiba Ergasheva

Mintaqada keytering xizmatlarini rivojlantirish masalalari.....478

Toshboyev Abduraim Jabborovich

Qoramolchilikda innovatsion texnologiyalarni joriy etish va ozuqa muammolari....485

Беглаев Учкун Хуррамович

Турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик хўжаликларини бошқаришнинг илмий назарий жиҳатлари.....492

Musaeva Nigora Nuriddinovna

“Yashil” iqtisodiyot va uni rivojlantirishda davlat-xususiy sheriklikning o‘rni499

Narinbayeva Gulnora Karimovna, Sultonamirova Hilolaxon Saidazizxon qizi

О‘zbekistonda imkoniyati cheklangan mijozlarga turizm xizmatlar ko‘rsatishni rivojlantirish yo‘nalishlari.....505

Дехканова Шахлохон Сагдиевна

Развитие кластеров в агропромышленном комплексе и их влияние на занятость населения.....514

УЎК:631.15:339.1

ТУРЛИ МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАГИ БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Беглаев Учқун ХуррамовичТошкент давлат аграр университети
Бизнесни бошқариш кафедраси доценти

Аннотация. Мақолада турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш ҳамда уларни бошқаришда хориж ва мамлакатимиз олимларининг илмий қарашлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: балиқчилик, турли мулкчилик шакли, илмий назария, методология, хўжаликларни ривожлантириш, бошқариш, ташкилий.

Аннотация. В статье освещены научные взгляды зарубежных и отечественных ученых на развитие и управление рыбохозяйственными хозяйствами различных форм собственности.

Ключевые слова: рыбное хозяйство, различные формы собственности, научная теория, методология, развитие хозяйства, управление, организация.

Abstract. In the article, the scientific views of foreign and domestic scientists on the development and management of fisheries farms of various forms of ownership are highlighted.

Keywords: fisheries, different forms of ownership, scientific theory, methodology, farm development, management, organization.

КИРИШ

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иқтисодий ён бarcha соҳалари ва тармоқлари таъсирида юксалтириш жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар турли вақтларда турлича йўллар билан амалга оширилган. Иқтисодий ривожининг ҳозирги даврига мос келадиган қатор масалалар ичида аҳолининг эҳтиёжларини ўрганиш ва уни ҳар томонлама тўлароқ қондириб бориш масаласи турибди. Турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш ва бошқариш механизмини такомиллаштиришда аввало шу соҳада илмий изланилар олиб борган олимларнинг қарашларини тадқиқ этишимиз ҳамда хориж тажрибасини мамлакатимиз иқлим шароитига мос технологияларини тадбиқ этиш лозим бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Методология ва назария бўйича хориж олимларининг олиб борган илмий тадқиқотлари мамлакатимиз балиқчилигига дастур бўлиб хизмат қилиши хориж тажрибасини таҳлил қилишни тақозо этади.

Балиқчилик хўжаликларини барқарор ривожлантириш бўйича Т.А.Моисеев, Н.В.Алесина, П.Алдака, Т.Хачатурова, Р.Р.Галулия ва бошқалар, балиқ овлаш саноатини кучайтириш бўйича эса Ж.Бардач, Д.Ш.Якубова, Ж.М.Гордон, В.К.Киселёв ва бошқалар илмий изланишлар олиб

боришган.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Бозор иқтисодиёти шароитида кишлок хўжалигининг барча соҳалари сингари балиқчилик соҳасида ҳам турли мулкчилик шаклидаги хўжаликлар (МЧЖ, кластер, фермер хўжаликлар, деҳқон хўжаликлари, кооперациялар) фаолият олиб бормокда. Бу эса, ўз навбатида хўжаликларнинг мустакил фаолият юритиши билан бир каторда ракобат муҳитининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис соҳани жадал ривожлантириш бошқарувни такомиллаштириш борасида кўплаб конун ва конун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши турли мулкчилик шакллари ташкил этиш ва улар фаолиятини самарали бошқаришни талаб қилади.



1-расм. Балиқчиликда ташкилий-иқтисодий инновацияларни бошқариш

Бизнинг фикримизча, давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади аҳоли турмуш сифатининг юқори даражасини таъминлаш ва

яхшилашдан иборат. Ҳозирги кунда мамлакат аҳолисини юкори сифатли ва арзон балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш миллий хавфсизлик масаласидир. Мамлакатнинг миллий иқтисодий ҳолатини ривожлантириш барқарор иқтисодий бошқарув тизимини яратиш орқали ҳал қилиниши мумкин. Балиқчиликнинг бугунги кундаги ҳолати ва уни янада ривожлантириш учун хўжаликларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини чуқур ўрганишимиз, мавжуд муаммоларни таҳлил этишимиз керак бўлади.

Шу сабабли илмий тадқиқотлар ва замонавий бошқарув тизимини ўрганиш ҳамда мавжуд камчиликлар ўз ечимини топиши учун илмий-амалий ишларни узвий боғлашимиз лозим. Бунда инновацион бошқарувни тизимли жорий этиш ҳамда хўжаликлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизминини жорий этиш лозим бўлади (1-расм).

Бошқарув тизимининг аниқ ва содда бўлиши ишлаб чиқаришнинг истиқболда яхшиланишига рақобатнинг шаклланишига олиб келади. Бунда ИТИлари хўжаликлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳамда билимли етук кадрлар билан таъминлаш лозим. Давлатимиз раҳбари ҳам бу борада алоҳида тўхталиб ўтгани бежиз эмас. “Ҳозирги кунда ана шу илмий муассасаларнинг моддий-техник базаси замонавий тадқиқотларни амалга ошириш имконини бермайди. Илмий-тадқиқот ишлари ҳамон эскича усулларда олиб борилаётгани ҳам ҳақиқат. Соҳада замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган кадрлар етишмаётганини ҳам тан олишимиз керак. Айниқса, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ветеринар мутахассисларга эҳтиёж катта”.

Шу боисдан бошқарувда инновацияни қўллашда аниқ метод бўлиши ва амалиётга тадбиқ эта олишимиз керак машҳур иқтисодчи Марк Блауг фикрига кўра, методология иқтисодий фаннинг илмий хусусиятини белгилайди ва реал ҳақиқатларни тушунтиришга интилади. Бу фикрдан шуни англаш мумкинки, методология илмий ёндашувни талаб этибгина қолмай, иқтисодий таҳлиллар орқали олиб борилган ишларнинг натижасини тушунтириб беришда алоҳида ўрин тутди.

Себастиан Анси ўз тадқиқотида интеграциялашган бошқарув тизими орқали балиқларнинг сифати, гигиена ва хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларни самарали назорат қилишни таъминлаш йўлини ишлаб чиқди.

Ушбу тадқиқотни таҳлил қиладиган бўлсак, унда балиқчилик хўжаликларини бошқаришда етиштирилаётган балиқ маҳсулотининг сифати алоҳида аҳамият касб этади. Чунки аҳолига табиий сифатли экологик тоза маҳсулотлар етказиб бериш, касалликларга қарши курашиш чораларини илмий асосланган ҳолда белгилаб олиниши шу билан бирга, ветеринария хизматини йўлга қўйиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бир қаторда, Ван Траи Нгуйен ҳам ўз тадқиқотида асосий муаммолардан бири сифатида сувнинг ифлосланиши ва атроф муҳитга таъсирини ишлаб чиқди, саноатнинг ривожланиши табиий хавзаларда сувнинг ифлосланишига олиб келиши ҳақидаги илмий қарашларини асослаб берди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, балиқ етиштиришда сувнинг

ифлослиги балиқчилик хўжалиги фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Алйсса С. Томас ўз тадқиқотида балиқ етиштиришда одамлар томонидан меҳнат сарфи учун 90 фоиз вақт сарфланаётгани, бошқарув режимига эса факатгина 10 фоиз эътибор қаратилиши ҳақида ўз фикрларни билдириб ўтган. Бу эса бошқарувда балиқчилик бўйича муҳим маълумотларга эга бўлмасдан қарор қабул қилиш зарурияти юзага келишини кўрсатади. Шу сабабли кадрлар малакасини ошириш, раҳбарлик қобилиятини шакллантириш лозим.

Д.Ш.Якубова ўз тадқиқотида балиқчилик саноатини ривожлантириш учун барқарор моделни шакллантириш бўйича инновацион лойиҳани амалга ошириш вариантини танлаш методологиясини таклиф қилиб, бунинг учун қуйидагича барча баҳолаш кўрсаткичларини келтирган:

- бозорнинг самарадорлиги - бозор ҳажмини баҳолаш, унинг динамикаси, бозордаги кириш тўсиқлари, рақобатнинг интенсивлиги, бозорнинг даромад даражаси;

- бизнес стратегияси - бу гоёнинг компания тажрибаси ва салоҳияти билан қандай боғлиқлигини баҳолаш;

- гоёни асослаш - гоёнинг мураккаблиги ва янгилик даражасини баҳолаш;

- ресурсларга бўлган талаблар - бу фикрни амалга ошириш учун зарур бўлган қўшимча ресурсларни баҳолаш;

- ишлаб чиқарувчи учун фойдалар - нархнинг ноанъанавийлиги, сифатни баҳолаш, истеъмолчи муаммолари, ўзига хос хусусиятларини баҳолаш ва ҳ.к.

Тадқиқотлар натижасида тавсия этилаётган методология балиқчилик саноатини ривожлантириш учун барқарор моделни шакллантириш, инновацион лойиҳани амалга оширишнинг асосий устувор йўналишларини белгилаб беради. Бунинг натижасида балиқчилик саноатида бозор самарадорлиги ва балиқчилик хўжаликларининг қиёсий таҳлили келтирилган бўлиб, ушбу методологияни бизнинг тадқиқотда ҳам қўллаш мумкин.

Барқарорлаштириш бу – мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш иқтисодий танглик ҳолатларига барҳам бериш, сақлаш ва қайта ишлаш, ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт шароитларни вужудга келтиришдир.

Г.А.Волошин ўз илмий изланишларида балиқчилик саноатини барқарор ривожланишига тўсқинлик қиладиган сабабларни аниқлаб асосий йўналишларини ишлаб чиқди:

- маъмурий (соҳани бошқаришнинг профессионал даражада юқори эмаслиги; соҳада меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллашмаганлиги);

- иқтисодий (саноат корхоналарининг асосий воситалари жисмоний ва манавий эскириши; товарлар ва хизматлар нархлари ва тарифларининг ўсиши; маҳаллий балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватининг пасайиши; молиявий йўқотишларнинг юқори даражаси; саноат корхоналарининг инвестицион жозибadorлигининг заифлиги);

- биоиктисодий (балиқчиликда хомашё базасидан самарасиз фойдаланиш; браконерлик);

- геосиёсий (балиқ овлашда давлатларнинг иштирокини камайтириш);
- ижтимоий-иқтисодий (аҳоли жон бошига балиқ маҳсулотларини истеъмол қилиш даражасининг пастлиги, олис ҳудудларда ижтимоий кескинликнинг кучайиши).

Балиқчиликни барқарор ривожлантиришда келтириб ўтилган сабабларни таҳлил қиладиган бўлсак, соҳа олдида ҳар бир йўналиш бўйича муаммоли вазиятлар мавжуд эканлиги ҳамда ҳар бир йўналишга алоҳида ёндошув зарурлиги барқарор ривожланишни давлат томонидан назоратга олиш ва тартибга солиш бугунги куннинг асосий муаммоси бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда балиқчиликни барқарор ривожлантириш нима деган саволга жавоб топсак. **Балиқчиликни барқарор ривожлантириш бу** – иқлим ўзгариши шароитида мавжуд абиотик, биотик ва антропоген омилларни ҳисобга олиб, аҳолини балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, балиқ етиштириш ҳажмининг йилдан-йилга ўсиб боришини таъминлаш ҳамда соҳада харажатлар тежалиб балиқчилик соҳасининг даромадлари кўпайиши ва фойданинг йиллар кетма-кетлигида ошиб боришидир.

Балиқчилик хўжаликларини бошқаришда ҳар бир ресурсни пухта ўрганиш ҳамда мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.



2-расм. Балиқчилик хўжаликларини бошқаришда интеграцион ривожлантириш цикли

Бизнинг фикримизча, балиқчиликни ривожлантиришни режалаштириш ва фаолиятини таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш, мавжуд камчиликларни бартараф этишда илмий ёндашув соҳа ривожига катта ҳисса қўшади. Бунда соҳанинг ривожлантириш цикли алоҳида аҳамият касб этади (2-расм).

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Инвестиция муҳитини яратиш хўжаликни тубдан модернизация қилиш имконини беришини ҳисобга олсак, балиқчилик хўжаликларига инвестиция оқимини жалб қилиш балиқчилик хўжаликларига фақат товар етиштиришга эмас, балки кенг камровли хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш имконини беради. Бунинг учун мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим.

Шу сабабли балиқчилик хўжаликлари ривожлантириш, Ўзбекистоннинг ички бозорини сифатли ва арзон балиқ маҳсулотлари билан тўлдириш, маҳсулотнинг талабгир турларига нархларни бир маромда ушлаб туриш бўйича қатор ишларни амалга ошириш асосий мақсад қилиб олиниши лозим. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

балиқчилик хўжаликлари барқарор ривожлантириш механизмларининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш;

минтақадаги сув ҳавзаларининг муаммоларини ўрганиш;

кичик балиқчилик хўжаликлари оптималлаштириш учун бошқарув тизимини ишлаб чиқиш;

балиқчилик хўжаликлари фаолиятини мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир, //Халқ сўзи 10.12.2017 йил

2. M.Blaug The Methodology of Economics or how economists explain Cambridge University Press 1992-416 p.

3. S.Ancy Development of Safety and Quality Management System in Shrimp Farming. Cochin University of Science and Technology 2009. 328 p.

4. <https://www.statista.com/markets/421/topic/497/fisheries-aquaculture/#statistic2>

5. Е.В.Буссел. Рыбохозяйственная система Краснодарского края: территориальная организация и проблемы развития в условиях рыночной экономики// Автореферат. Краснодар. – 2009. стр 24.

6. Nguyen, Van Trai The influences of shrimp farming and fishing practices on natural fish conservation in Can Gio, Ho Chi Minh City, Vietnam. University of Newcastle, Australia 2008. 327 p.

7. Alyssa S. Thomas Influences of fisher attitudes and behaviour on regulation non-compliance: A case study from the Marlborough Sounds, New Zealand recreational blue cod fishery. Victoria University of Wellington 2015. 201 p.

8. Бардач. Дж., Ритер Дж. Аквакультура.- М.: Пищевая промышленность, 1978. -294 с.

9. Гордон Л.М. Экономика, организация и планирование промышленного рыбоводства. М.: Пищевая промышленность, 1980. – 296.

10. Киселев В.К. Управление рыбным хозяйством России/ Рыбное хозяйство, 1994, №2. с. 15-20.

11. Алесина Н.В. Совершенствование структуры управления рыбохозяйственным комплексом на микроуровне (на примере предприятий Керченского п-ва) // Авт. реф. дисс. на соиск. уч. степени канд. эконом. наук. - М.: ВНИЭРХ, 2001.-20 с.